

ЭНЕРГИЯДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ЧОРА ТАДБИРЛАРИ

Jizzax politexnika instituti assistenti

Sh.A.Parmonov

Аннотация: *Замонавий шароитларда электр энергетика тармогида рақобат муҳитини ривожлантириш ва инвестицияларни жалб қилиш электр энергиясини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш соҳасидаги фаолиятнинг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий ислохотлар концепциясида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадларини белгилайди.*

Калит сўзлар: *Энергия тежаси, энергия самарадорлиги, энергетик тежамкорлик, ишончли фаолият, энергия сарфи, қайта тикланувчи энергия манбалари.*

Аннотация: *Известно, что в республике восстановление экономики, обеспечение жильем и населения изобилует долгосрочными стратегическими перспективами, а в Казахстане – энергетическими ресурсами – долгосрочными потребностями, удовлетворение потребностей в узлах нефтегазовой, электроэнергетической, химической, химической промышленности.*

Ключевые слова: *Энергосбережение, энергоэффективность, энергосбережение, надежная деятельность, энергопотребление, возобновляемые источники энергии.*

Abstract: *It is known that in the republic, economic recovery, housing and population provision abound with long-term strategic prospects, and in Kazakhstan – energy resources - long-term needs, satisfaction of needs in the nodes of the oil and gas, electric power, chemical, chemical industries.*

Keywords: *energy saving, energy efficiency, energy saving, reliable activity, energy consumption, renewable energy sources.*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2009 йил 30 сентябрда қабул қилинган “Электр энергетикаси тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши электр энергетикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, Ўзбекистон Республикасининг электр энергетика хавфсизлигини таъминлаш, электр энергиясини ҳосил қилиш, узатиш ва сотиш бўйича бошқарув ҳамда хўжалик алоқалари тизимида бозор принциплари ва механизмларини жорий этиш, электр энергетикасининг мутаносиб ривожланишини таъминлаш, электр энергиясидан ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланишга имкониятини беради.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда, аввало, иқтисодийнинг барча тармоқларини ривожлантиришни жадаллаштириш, инвестицион жозибадорлик ва ишбилармонлик фаоллигини ошириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга ошириш ҳамда Ўзбекистон республикасида энергетикани ривожлантириш ва ундан оқилона фойдаланиш бўйича “Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида”, “Электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислох қилиш стратегияси тўғрисида”, “Электр энергетикаси тўғрисида”, “Электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”, “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида” ва бир нечта қонунлар қабул қилинди.

Юқорида санаб ўтилган қонунлар ичида 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган “Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида” ги қонун энергия ҳосил қиладиган ва энергия сарфлайдиган асбоб-ускуналар ҳамда маҳсулотга қонунчиликда назарда тутилган тартибда энергия жиҳатидан самарадорлик кўрсаткичларидан фойдаланиш ҳақидаги қонунлардан бири ҳисобланади. Ушбу қонуннинг мақсади миллий энергетика ресурслари сақланишини, энергиядан ва ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган умумий ҳуқуқий асосларни шакллантиришдан иборатдир.

Албатта, Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги 412-І-сонли

Қонунига киритилган ўзгартиришлар Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 1 майда қабул қилинган бўлиб, Сенат томонидан 2020 йил 19 июнда маъқулланган. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. Мирзиёев 2020 йил 14 июль санасида ушбу ўзгартиш ва қўшимчаларни ЎРҚ-628-сон билан имзолади, Қонун расман эълон қилинди ва эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди. Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганда: «энергиядан оқилона фойдаланиш», «энергияни тежаш ва энергия жиҳатидан самарадорликни ошириш», «давлат томонидан қўллаб-қувватлашни», «энергия жиҳатидан самарадор», «энергия тежалладиган дастурлар ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш», «энергия жиҳатидан тежамкор техника ҳамда маҳсулот» «қайта тикланувчи энергия манбалари» каби муҳим жумлалар учрайдики, буларнинг барчаси Қонун энергетика соҳасининг ривожини, истеъмолчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, Ўзбекистоннинг табиий бойликларидан оқилона фойдаланиш — энергия тежамкорлиги ва самарадорлиги нуқтаи назаридан бирмунча такомиллаштирилган.

Ушбу мақсадда Энергетика вазирлиги томонидан «Энергияни тежаш ва энергия самарадорлигини ошириш тўғрисидаги» қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг муҳокамаси порталида эълон қилинди. Лойиҳа 7 боб ва 24 моддадан иборат. У энергия тежаш ва энергия самарадорлиги объект ва субъектларига тавсиф берувчи, асосий атама ва тушунчаларни белгиловчи ҳамда энергетика нуқтаи назаридан муносабатларни расмийлаштирувчи янги бўлим ва моддаларни ўз ичига олган. Бундай қонун лойиҳада келтирилган моддалар албатта энергияни тежаш ва самарадорлигини ошириш учун мақсад қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2019 йил 27 мартда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” қонун Электр энергетика тармоғининг ишончли фаолият юритишини таъминламасдан туриб иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакат ҳудудларининг

саноат салоҳиятини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш масалаларига бағишланган. Ушбу қонун замонавий шароитларда электр энергетика тармоғида рақобат муҳитини ривожлантириш ва инвестицияларни жалб қилиш электр энергиясини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш соҳасидаги фаолиятнинг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш, электр энергетика тармоғини ислоҳ қилиш бўйича вазифаларнинг амалий ижросини таъминлаш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий ислохотлар [концепциясида](#) белгиланган вазифаларни бажариш мақсадларини белгилайди.

Маълумки, республикада иқтисодиёт барқарор ўсишини таъминлашга ва аҳолининг фаровонлик даражасини оширишга, ёқилғи-энергетика ресурсларига бўлган талаб – эҳтиёжни узлуксиз қаноатлантиришга қаратилган нефть – газ, электр энергетика, кўмир, кимё, қурилиш индустриясини ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегияси амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, ёқилғи – энергетика тармоғининг мавжуд қувватлари энергия ресурсларига ортиб бораётган талаб-эҳтиёжни тўлиқ даражада таъминламаяпти, мамлакатимиз иқтисодиётининг энергия сарфи ҳажми ривожланган мамлакатларнинг ўртача кўрсаткичидан анча юқоридир. Ҳозирги вақтда асосан гидроэлектростанциялар ишлаб чиқараётган қайта тикланувчи энергия манбалари ҳиссасига мамлакатда ишлаб чиқарилаётган электр энергияси умумий ҳажмининг атиги ўн фоизи тўғри келмоқда. Ниҳоятда катта салоҳият мавжуд бўлишига қарамасдан, қуёш ва шамол сингари қайта тикланувчи энергия манбаларининг имкониятларидан тўлиқ даражада фойдаланилмаяпти. Шу муносабат билан, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологиялар ва қайта тикланувчи энергия

манбаларини кенг жорий этиш давлат сиёсатининг ҳозирги босқичдаги долзарб йўналишларидан бири бўлиб қолиши лозим.

Адабиётлар

1. Khasanov M. et al. Optimal radial distribution network reconfiguration to minimize power loss by using mayfly algorithm //AIP Conference Proceedings. – AIP Publishing, 2023. – Т. 2612. – №. 1.
2. Hasanov M., Urinboy J. Reconfiguration of Radial Distribution System to Minimize Active Power Loss //International Journal of Engineering and Information Systems (IJEAIS). – 2021. – Т. 5. – №. 2. – С. 154-156.
3. Hasanov M. et al. Optimal Integration of Wind Turbine Based Dg Units in Distribution System Considering Uncertainties //Khasanov, Mansur, et al." Rider Optimization Algorithm for Optimal DG Allocation in Radial Distribution Network." 2020 2nd International Conference on Smart Power & Internet Energy Systems (SPIES). IEEE. – 2020. – С. 157-159.
4. Hasanov M. et al. Optimal Integration of Photovoltaic Based DG Units in Distribution Network Considering Uncertainties //International Journal of Academic and Applied Research (IJAAAR), ISSN. – 2021. – С. 2643-9603.
5. Жалилов Ў. А. Ў. и др. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА УЛАРНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 4. – С. 113-118.
6. Жуманов А. Н. и др. МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИДАН ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ ТОҒЛИ ХУДУДЛАРИДА ФОЙДАЛАНИШ //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 5. – С. 247-254.
7. Razzaqovich Q. A. et al. SANOAT KORXONALARI ELEKTR TA'MINOTIDA ELEKTR YUKLAMALARI KARTOGRAMMASINI QURISH VA BPP NING O'RNATILISH JOYINI ANIQLASH //E Conference Zone. – 2022. – С. 358-361.
8. Qurbanov A., Baratov L., Jalilov O. SANOAT KORXONALARINING SAMARADORLIK KO'RSATKICHINI OSHIRISH MAQSADIDA ELEKTR YUKLAMALARI KARTOGRAMMASINI QURISH VA BPP NING O'RNATILISH JOYINI ANIQLASH //Interpretation and researches. – 2023. – Т. 1. – №. 6.
9. Khasanov M. et al. Optimal allocation of distributed generation in radial distribution network for voltage stability improvement and power loss minimization //AIP conference proceedings. – AIP Publishing, 2023. – Т. 2612. – №. 1.
10. Khasanov M. et al. Optimal Sizing and Sitting of Distributed Generation in Distribution Network considering Power Generation Uncertainty //E3S Web of Conferences. – EDP Sciences, 2023. – Т. 434. – С. 01016.
11. Khasanov M. et al. Distribution network planning with DG units considering the network reconfiguration and reliability //E3S Web of Conferences. – EDP Sciences, 2023. – Т. 461. – С. 01053.